



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА БИЛИМ САВИЯСИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор

Сарсенбаев Жасурбек Саламат ули

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989169>

### ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

### KEYWORDS

профилактика инспектори,  
ҳуқуқий онг, билим савияси,  
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси,  
малака ошириш, касбий  
тайёргарлик, ҳуқуқий таълим,  
тренинг, рақамли таълим  
технологиялари, жамоат  
хавфсизлиги.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада мавзунинг  
долзарблиги, профилактика  
инспекторларининг ҳуқуқий онги ва билим  
савиясини ошириш масалалари таҳлил  
қилинади. Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг  
барвақт олдини олишда профилактика  
инспекторларининг малакаси ва билим  
даражаси муҳим аҳамият касб этади. Шу  
муносабат билан уларнинг касбий  
тайёргарлигини ошириш, замонавий ҳуқуқий  
билим ва амалиётдан хабардор бўлишини  
таъминлаш долзарб вазифалардан бири  
ҳисобланади. Бу мақолада инспекторларнинг  
ҳуқуқий маданиятини оширишнинг  
аҳамияти, муаммолари ва ечимлар ҳақида  
сўз боради.*

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш

ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари профилактика хизмати муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

18 апрель куни “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПҚ-2896-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга муофиқ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланганини белгиланиб;

– профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

16 август куни “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги ПҚ-3216-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга муофиқ, ходимларни, шу жумладан уларни хизмат фаолиятидан ажратмаган ҳолда ўқитиш ва махсус касбий тайёрлаш, мажбурий қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб боришнинг ички ишлар органлари кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш;

– асосий қисми соҳавий фанларни ўқитишдан таркиб топган, шунингдек ҳудудий ички ишлар органларига бевосита чиқишни ва тергов-тезкор тадбирларни ўтказишда иштирок этишни назарда тутган амалий машғулотларни ташкил этишни ўз ичига олган янгиланган таълим стандартлар ва ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

– ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни, шу жумладан ситуацион машғулотларни, масофадан ўқитиш тизимини кенг жорий этиш, таълим олувчилар ва ўқитувчиларни глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш каби фазибалар белгиланди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда профилактика инспекторларининг ўрни беқиёсдир. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда уларнинг касбий маҳорати ва ҳуқуқий билими юқори даражада бўлиши зарур. Шу боис, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий онги ва билим савиясини ошириш юзасидан самарали механизмларни жорий этиш муҳим вазифалардан биридир.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабхаларига янги технологиялар кириб келмоқда ва бу ходимлардан ҳар куни ўз устида ишлашни билимини ошириш талаб этади. Албатта халқ манфаатларига хизмат қилаётган ҳар бир ходим, аввало, ўз билими, маънавий ахлоқий сифатлари ва дунё қарашлари билан ажралиб туриши керак.

Президентимиз ички ишлар органларига интеллектуал салоҳиятли, профессионал кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрель куни “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2896-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3175732?ONDATE2=06.02.2024>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 август куни “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3216-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3313218?ONDATE=24.02.2021>

<sup>3</sup> Бобожонов П.Р. Танқидий таҳлил ва устивор вазифалар фаолият самарадорлигига хизмат қилади //Янги Ўзбекистон// ижтимоий сиёсий газетаси, 16.02.2021 й., №33

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март куни “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>4</sup>ги 6196-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланди:

ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш белгиланди.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқий онги ва билим савиясини ошириш заруратига тўхталадиган бўлсак ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари жиноятчиликни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишда асосий ходимлардан биридир. Улар турли ҳуқуқбузарликлар, хусусан, оилавий-маиший зўравонлик, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва жамоат тартибини бузиш ҳолатларини бартараф этишда фаол иштирок этадилар. Шунинг учун уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, янги қонунчилик меъёрларидан хабардор бўлиб боришларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ходимларнинг ҳуқуқий билим савиясини ошириш усуллари ва механизмларига тўхталадиган бўлсак, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун қуйидаги усуллардан самарали фойдаланиш мумкин:

– Малака ошириш курслари ва тренинглари – профилактика инспекторлар учун мунтазам равишда махсус курслар ва амалий машғулотлар ташкил этилиши, бу уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

– Рақамли таълим технологиялари – бунда онлайн ўқув платформалар орқали инспекторларга масофавий таълим бериш имкониятлари кенгайиб боради.

– Ҳуқуқий ахборот ресурслари билан таъминлаш – профилактика инспекторларнинг замонавий қонунчиликдан, янги қабул қилинган Фармон, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардор бўлиб боришлари учун уларга доимий равишда ҳуқуқий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш керак.

– Иш жараёнида амалиётни такомиллаштириш – профилактика инспекторлари ўз хизмат фаолияти давомида реал ҳолатларда ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашлари лозим.

– Халқаро тажриба алмашинуви – қатор ривожланган давлатлар ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш, инновацион методлардан фойдаланиш самарали натижа беради.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.6.03.2021 йилдаги №6196-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5344118>

Олий Мажлис депутати Ш.Абдурахмонов таъкидлаганидек: "Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг билим савияси ва малакаси катта аҳамиятга эга. Шу боис, уларнинг таълим олишига давлат томонидан эътибор кучайтирилиши зарур".

Тан олиб айтиш керак ислоҳатлар суръатига ва янги иш услубига мослаша олмаётган, ҳамон эскича фикрлайдиган ходимлар ҳам учраб турибди.

Ўтган даврда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларидан ҳамда терговга қадар текширув ҳаракатларидан норозилик ҳолатлари ҳамон учраб турганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда профилактика инспекторларининг билим савияси билан боғлиқ қатор куйидаги муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин:

**биринчи** – қонунчиликдаги ўзгаришлардан хабардорликнинг етарли эмаслиги – айрим профилактика инспекторлари янги қабул қилинган қонунлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги;

**иккинчи** – амалий кўникмалар етишмовчилиги – ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоларга йўл қўйилиши;

**учинчи** – таълим ресурсларининг камлиги – ҳар бир профилактика инспектори учун замонавий юридик адабиётлар, электрон базалар ва интерактив таълим платформаларининг камлиги.

**тўртинчи** – ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича мотивациянинг камлиги – айрим профилактика инспекторлари ҳуқуқий билимларини мунтазам оширишга етарлича эътибор қаратмай келаётганлигини кўриш мумкин.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

**биринчи** – Қонунчилик ўзгаришлари бўйича мунтазам тренинглар ташкил этиш – янги қонунлар, фармонлар ва қарорлар ҳақида маълумот бериш учун доимий равишда ўқув семинарларини ўтказиш.

**иккинчи** – Амалий машғулотлар сонини кўпайтириш – профилактика инспекторлари жиноятчиликни жиловлаш, аниқлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ошириш учун реал кейслар асосида ўқитилиши лозим.

**учинчи** – Электрон таълим платформаларини жорий этиш – Ҳар бир инспекторга интернет орқали ҳуқуқий билимларини ошириш имкониятини яратиш.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб белигиланганлиги ва мазкур норма умуминсоний ва миллий қадриятлар давлат томонидан ҳимоя қилинишини ҳамда улуғланагини кўрсатади, шу жумладан Конституция<sup>5</sup> 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.” Деб белгиланган. Профилактика инспекторининг умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурматни юксалтириш эса, уларда касбий билим ва малакаларини шакллантириш, хизмат фаолиятини сидқидилдан, виждонан бажаришларини таъминлайди.

Профилактика инспекторларининг касбий савияси қанчалик юқори бўлса, жамиятда қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш шунчалик самарали бўлади. Шу боис,

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 й., <https://lex.uz/docs/6445145>

профилактика инспекторларини доимий ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш устувор вазифалардан бири бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак профилактика инспекторларининг ҳуқуқий онги ва билим савиясини ошириш учун доимий равишда малака ошириш тизимини такомиллаштириш лозим. Уларга замонавий ўқув материаллари, интерактив таълим усуллари ва ҳуқуқий ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш муҳим. Шунингдек, уларнинг амалиётдаги малакасини ошириш мақсадида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва инновацион ёндашувлардан фойдаланиш зарур.

#### Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрель куни “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2896-сон қарори.  
<https://lex.uz/docs/3175732?ONDATE2=06.02.2024>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 август куни “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3216-сон қарори.  
<https://lex.uz/docs/3313218?ONDATE=24.02.2021>.
4. Бобожонов П.Р. Танқидий таҳлил ва устивор вазифалар фаолият самарадорлигига хизмат қилади //Янги Ўзбекистон// ижтимоий сиёсий газетаси, 16.02.2021 й., №33
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлин-малари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори \\URL:<https://lex.uz/ru/docs/3175732> 06.02.2024.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги « Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони \\ URL: <https://lex.uz/docs/5344118>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ПҚ-5050-сонли Қарори \\URL:<https://lex.uz/ru/docs/5353841> 24.05.2023
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзмёев Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2883-сонли Қарори URL:<https://lex.uz/ru/docs/314118>
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрда қабул қилинган «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ВМ - 265-сонли Қарори \\ URL: <https://lex.uz/docs/5623688>

12. H.Q. Babahanov. Xotin-qizlar tomonidan sodir etiladigan zhinoyatlar profilaktikasini takomillashtirish //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – V. 4. – Yo‘q. 4. – B. 33-41.

13. ugli G‘ofurov, A. A., & o‘g‘li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM OLISHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar)

